

“Фразеологик бирликларнинг тилларда ишлатилиши

Г.Х. Обруева

Марупов Д (2 курс талаба инглиз филологияси)

Фразеология – тилшуносликда ибораларни ўрганувчи махсус бўлим. Қисмлари катъий бир қолипга кириб, барқарорлашган, кўчма мано англатиб, гапда бутунлигича бир бўлак вазифасида келадиган, образли, жозибador барқарор бирикма фразеологик бирикма дейилади.

Бизга малумки, кўчма мано бу нутқ ичидаги мано бўлиб, кўчма манодаги сўз ёки бирикма нутқдан ташқаридаги маносидан тамомила фарқ қилади. Бу ҳолда бу бирликни нутқдаги муҳит, руҳият ёки мавзуга қараб тушунишимиз мумкин. Масалан:

Ишнинг ўзини билганча, унинг кўзини бил.

Бу ерда **кўз** сўзи кўчма манода қўлланган бўлиб, ишни қандай қилишни билиш маносида келган. Кўчма манода қўлланилишнинг сабаби эса гапни узун ва чалкаш бўлишидан қочиш ва тингловчини сўз ўйинидан бохавар этишдир. Бу ҳаракат билан сўзловчи нафақат нутқини чиройли тарзда безайди, балки бадиийликка ҳам бироз мурожаат этади. Масалан:

Шарофат холанинг тили заҳар-да Ҳар гапида бир чақиб олади.

Мано кўчиши ҳар қандай сўз туркумида содир бўлиши мумкин. Бундай мисолни юқорида от ва феъл сўз туркумлари мисолида кўрдик. Сўз туркумлари дунёдаги ҳар бир тилда бўлганидек, сўзларнинг мано кўчиши бошқа тилларда учрайдиган ҳолат. Чунки ҳар бир тилда сўзлайдиган нотик ўз нутқини чиройли ва равон бўлишини хоҳлайди.

Острый ум всегда побеждает! (Ўткир ақл ҳамма вақт ғалаба қозонади) (рус)

We will carry out our plan with brilliant ideas. (Биз режаларимизни ажойиб гоялар билан рўёбга чиқарамиз.) (инглиз).

Бази ҳолда тилларда бир неча сўзлар йиғиндисини кўчма манода ишлатилишига гувоҳ бўламиз. Сўзлани алоҳида олганда матндаги манодан тамомила фарқ қилади. Бу ҳолда матнда фразеологик бирлик ишлатилган бўлади

Яхшигина кетаётган ўйинни белига тенди.

Бу гапдаги ишлатилган фразеологик бирикма алоҳида сўзлар сифатида олинса гапдаги мано умуман бузилиши мумкин. Бу бирикманинг ишлатилиши гапдаги жозибadorликни ошириши аниқ. Фразеологик бирликни ишлатиш ҳам

айнан шунинг учун керак. Фразеологик бирлик ёки фразеологизм фақат ўзбек тили учун хос эмас. Инглиз тилидаги **Phrasal verbs yoki Idioms** фразеологик бирикмаларга яққол мисол бўла олади.

She has to look after to her grandmother.(У бувисига ғамхўрлик қилиши керак).

Now I am all about teaching.I have never worked hard like a that before.(Мен ҳозир **бор вужудим билан дарс беришга киришиб кетдим**. Мен олдин бунчалик қаттиқ киришмагандим)

Фразеологик бирликлар гапни қисқа ва маноли қилишга ёрдам беради.Тилларда фразеологияни жой номлари билан қўллаш ҳам тез-тез учраб туради . тилда жой номларини ўрганувчи соҳа бу топонимикадир. Топонимика - номшуносликнинг жой номларини о`рганувчи соҳаси. Ороним (тоғ`, қир, тепа, чо`ққи, давон в.б. атоқли отлари), гидроним (океанлар, дарёлар, ко`ллар, денгизлар, каналлар, сойлар в.б. атоқли отлари), хороним (чо`лликлар, кумликлар, табиий о`ринлар атоқли отлари), ойконим (шаҳар,қишлоқ, маҳалла в.б. атоқли отлари), эkkлезоним (мачит, черков, маностир в.б.), дромоним (ер ости, эр усти, сув ости ва сув усти ё`лларининг атоқли отлари), некроним (мозор, қабристон ва шу типмуқаддас қадамжойлар атоқли оти).

Қай гўрдан пайдо бўлиб қолдинг.

Бугунги кундаги тиллардаги гапларни фразеологик бирликларсиз тасаввур қилиш қийин , араторлик қобилиятини намойиш қилиши учун ҳам фразаларни ўз ўрнида ишлатишни билиш , фразеологик бирликларини маноларини аниқ ва тўлиқ билиш , фразеологик бирликлардаги урғули бўғинни тўғри танлай билишгина фразеологик бирликлар билан ишлашни таминлаши мумкин .

Шундай қилиб, фразеологикбирликларгапниқисқавамаънолиқилишга ёрдам беради.Агарда сўзларни алоҳида олганда матндаги маъно тамомила фарқ қилиши мумкин эди.Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики бир неча сўзлар йиғиндисини кўчма манода ишлатилиши матни маъносини янада жозибали қилар экан.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Бахтиёр Менглиев ,Ўрал Холиёров ”Ўзбек тилидан универсал қўлланма” - “Фан” 2008 – й.
2. Ҳасанов Ҳ. Ҳ. Географик номлар имлоси. – Тошкент:Фан, 1962-й.
3. Қораев С. Топонимика. - Тошкент, 2006 й.

